Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 23 август 1969 йил, шанба ● № 196 (14.359). ● Баҳоси 2 тийин.

САЛОМАТХОН БОЙМИРЗАЕВА ўтган йили 10-синфни битириб Уйчи районидаги Калинин номли колхоз пахтачилик бригадасига ишга борган эди. Пахта терими мавсумида баракали меҳнат қилиб, кўпчилликнинг ҳурматига сазовор бўлди. Саломатхон бу йил 15 тонна пахта теришга ахд қилган.

А. ЮСУПБОЕВ фотоси.

ҲАР ИШДА ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

Ҳар бир кунимиз, ҳар бир дақиқамиз бизни коммунизмга яқинлаштиради. Бу нурли манзил — коммунизм ўз-ўзидан бунёд этилмайди. Мингларнинг, миллионларнинг мардона меҳнати билан вужудга келтирилади. Барча совет кишилари коммунизмнинг муҳташам биносини барпо қилиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Бунда улар тежамкорлик ва иқтисод қилишни ҳам биринчи даражали вазифалардан деб билмоқдалар.

Иш вақтининг ҳар бир дақиқаси коммунизмга хизмат қилиши лозим. Шунинг учун ҳам минутлар, дақиқалар ҳисобда бўлиши, иш вақтидан самарали фойдаланилиши керак. Мамлакатимиздаги кўплаб коллективлар машина-усуналар қувватидан, иш вақтидан самарали фойдаланиш мақсадида янгидан-янги ташаббусларнинг ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Москвалик тўқувчи М. Иванникова тежалган хом ашё ҳисобига дохий В. И. Ленин юбилейи кунига қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатини бошлаб берди. Пойтахтлик тўқувчининг ташаббуси Совет Иттифоқининг ҳамма еридаги сингари Ўзбекистон корхоналарида, қурилиш майдонларида, транспорт тармоқларида ҳам кенг кулоч ёймоқда. Тошкент машинасозлари, Чирчиқ ва Навоий химиклари, Бухоро газчилари, Марғилон ипакчилари, Андижон нефтчилари, Самарқанд консервачилари ҳам хом ашё, материал, электр энергия ва иш вақтини тежаш ҳисобига планга қўшимча кўплаб маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлаётирлар.

Коммунизм бунёдкорларининг меҳнат ғалабалари қақида редакциямизга ҳар куни хушхабарлар келиб турибди. Улардан бирида Марғилон ипакчиларининг иш вақтидан самарали фойдаланиш натижалари маълум қилинади: ипак комбинатининг ўнлаб ишчилари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариб қўйдилар. Ҳатам Маҳкамбоев бошлиқ тўқувчилар сменаси 1971 йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда.

Тежамкорлик ҳар бир ишчининг кундалик одатига айланиб кетди. Кимки тежамкорлик йўлидан бормас экан, ўз меҳнатини ҳамда бошқалар меҳнатини қадрламаган бўлади.

Иқтисод қилиш — материалларни эҳтиётлаб сарфлаш, кийим-кечак тайёрлашда газламаларни қийиққа чиқариб юбормаслик, машинасозликда металл қиринди-ларини кўпайтирмаслик-дангина иборат эмас. Даставвал, тежамкорлик юқори сифатли маҳсулот тайёрлашдан, меҳнатни пухта ташкил этишдан иборат. Хўжалик ислоҳотининг жорий этилиши ҳар бир меҳнаткашнинг тежамкорлик билан иш тутиш ҳиссини ошириб юборди. «Ҳар бир ишчи — иқтисодчи», «Нобудгарчиликнинг йўли тўсилсин», «Тежамкорлик юзасидан олинган мажбуриятни қандай бажармоқдасиз?» сингари шиорлар остида меҳнат қилаётган кўплаб коллективлар иқтисод қилиш ҳамда тежамкорликда катта муваффақиятларга эришаётирлар.

Афсуски, қурилишларда синиқ ғиштларнинг чуқурларга кўмиб юборилиши, ёғоч-тахталарнинг ёқиб юборилиши, автомашиналарнинг бекор қатнаши, вагонларнинг юкн тушириламай тўхтаб қолиши каби ҳоллар ҳанўз учраб келамиз. Корхоналарда станоклар маҳсулот ишлаб чиқарилмаётган вақтларда ҳам электр тармоқларига улаб қўйилади. Бундай қилиш кишилар меҳнатини, жамият бойлигини асраслиқдан иборатдир.

Шундай темир йўл станциялари борки, уларда вагонларнинг нормадан ортиқ кўплаб бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Бунга кўпинча юк олувчи ташкилотлар айбдор бўлсалар-да, станция маъмуриятини ҳам оқлаб бўлмайди. Фарғона темир йўл бўлинмасидаги Қўқон станциясида шу йилнинг биринчи ярмида юк билан келган ҳар бир вагон нормадан ташқари 7 соатдан кўпроқ вақт туриб қолди. Натижада жами 50840 вагон-соат йўқотилди.

Республика қишлоқ хўжалигини электрлаштириш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Хўжаликларда ишлаб турган насос установкаларини электр ёрдамида ишлашга кўчириш 1130 сўм иқтисодий фойда келтиради. Агар барча 35 киловатт қуввати шундай установкалар электр ёрдамида ҳаракатлантирилса, йил сайин бундан 5 миллион сўм иқтисод қилиш, 3 мингдан ортиқ механизатор мутахассиси қишлоқ хўжалигига бўшатиб бериш, ёқилғи ташиб келтиришга сарфланадиган транспорт харажатларни тежаш мумкин бўлади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIII съездида қилган докладида мана бундай деб таъкидлаган эди: «Совет жамияти ҳозирги ўзидаёқ нисбатда кўп умумхалқ бойликларига эгадир. Аммо Ватан бойликларини тинмай кўпайтира бориш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозим. Афсуси, бизда моддий бойликларни исроф қилиш, уларга хўжайинлик кўзи билан қарамаслик каби фактлар ҳали ҳам бор. Агарда биз ҳар бир килограмм металлга, кўмирга, нефтга, цементга, халқ моллигининг ҳар бир сўмига тежаб-тергаб, хўжайинларча муносабатда бўлишни ўрганганимизда эди, бизнинг давлатимиз янада нечоғлик бой ва кучлироқ бўлиб кетган бўлур эди».

Шунинг учун ҳам министрликлар, партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари корхоналар маъмуриятлари билан биргалиқда одамларни тежамкорлик руҳида тарбиялашлари, иқтисод қилишдаги илғор тажрибаларни кенг ёйишлари керак. Партиямиз даъватига жавобан республикамиздаги ҳар бир киши — хоҳ у ишчи бўлсин, хоҳ инженер-техник ва рахбар бўлсин — моддий бойликларимизни эҳтиётлаб сарфлаш ҳисобларининг олдини олишда намуна кўрсатсин.

ТАРАДДУД

(Қашқадарё область, Қарши районидаги «Партия XX съезди» совхозининг директори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Очил ТОШЕВ билан суҳбат).

Бу йилги шароитда қандай ҳосил етиштирилянти? Шу кунларда ғўза парвариши қандай ташкил этилган? Пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари қалай? Машина теримини муваффақиятли ўтказиш учун нималар қилиняпти?

Мухбиримиз ўртоқ О. Тошевга ана шу саволлар билан мурожаат қилди.

— Қарши чўли шароитида, — деб гап бошлади ўртоқ Тошев, — пахтадан мўл ҳосил етиштириш ҳазилакам иш эмас. Нега десангиз, бу ерда ҳаво жуда қуруқ келади. ғўза вегетацияси даврида сув кам бўлади, бунинг устига маҳаллий ўғит етишмай қолади. Шунга қарамасдан, совхозимиз меҳнат аҳли барча қишинчиликларни мардонавор енгиб келмоқда. Даставвал, экин майдонларини яхлитлаштириш ва тупроқ структурасини яхшилашга алоҳида эътибор бердик. Шу боисдан ҳам тракторларнинг яхши ишлаши учун шароит яратилди. Бундан ташқари карталар кенгайтирилганлиги сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш имкониятини берди.

4500 гектар майдондаги ғўзамиз ҳозир кунда бир яшнамоқда. Гектарлар ғўлиқ, ғўзалар бўлиқ. Ҳар гектар майдонда ўрта ҳисобда 90-100 минг туп кўчат бўлишига эришдик. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада 7-9 тадан тўқ кўсак санаш мумкин. Қарийб 1500 гектар ердаги ғўзаларнинг ҳар тупидаги кўсаклар сони 10 тадан ҳам ошиб кетади.

Бунга қандай қилиб эришдик? Биринчи галда чигит экишни жуда қисқа муддатда ўтказдик. Уруғ асосий майдонларда тупроқнинг ўз намига ундириб олинди. Дастлабки парвариш билан бир вақтнинг ўзида ғўзалар озиқлантириб кетилди. Бундай қилиниши ёш ниҳолларнинг мавж уриб ўсишини таъминлади. Кунлар исиб, ўсимликнинг сувга бўлган талаби ошган бир пайтда сугориш киришдик. Сугориш эгатлари ғўза қатор ораларининг қоқ ўртасидан тўппа-тўғри ва чуқур қилиб олинди. Бу эса пайкаллардаги ғўза гупларининг қоняқиб сув ичишига шароит яратиб берди.

Шу кунга қадар барча майдонлардаги ғўзалар 5 марта комплекс парвариш қилинди. Озиқлантиришни июль ойининг охирларига келиб тўхтатдик. Аниқроғи, биринчи августга қадар ғўзага минерал ўғитлар беришни ниҳоясига етказдик. Шундан сўнг «шарбат» оқизишга киришдик. Бу ишда 462 сувчи қатнашмоқда. Уларнинг кучи билан 11500 тонна гўнг, қўй қийи чуқурчаларга кўмилиб, сўнгра эгатларга «шарбат» усулида оқизилди. Ғўзаларнинг ўсишига қараб, ҳосилга киришини эътиборга олиб, сугоришни давом эттирмоқдамиз. Лекин эгатларнинг зах босиб кетишига сира йўл қўйилмайди.

Сувчиларимизни ҳаққоний равишда ҳосил посбонлари дейишади. Бу гапда жон бор. Чунки Амирқул Муродов, Ҳайдар Худойқулов, Жалол Ҳайдаров, Ғани Арслонов, Мусо Юнусов сингари мирободларимиз ғўзаларни мириқтириб сугоришяпти, бирор туп ҳам экиннинг чанқаб қолишига йўл қўйишмаяпти. Улар сугоришни кеча-кундуз ўтказишяпти. Сувнинг беҳуда оқизилишига, пайкалларнинг қўлатиб юборилишига мутлақо йўл қўйишмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бу йилги ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўриш тўғрисида яқинда матбуотда эълон қилинган қарори совхоз активлари ўртасида ишлаб чиқилди ва шу ҳужжат асосида конкрет тадбирлар белгиланди. Бу тадбирлар 65 та бригаданинг ҳаммасига етказилиб, пахтакорлар иштирокида кенг муҳокама қилинди. Ҳозирги ишларимиз ана шу тадбирларимиз асосида олиб борилмоқда.

Янги тадбирларга кўра Шариф Умаров, Раҳмон Тангриев, Ширинбой Шарипов, Ҳайдар Примов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ўз устларига қўшимча мажбурият олдилар. Уларнинг ҳаммаси 40 центнерчилар ва 50 центнерчилар ҳаракатига кўшилиб меҳнат қилмоқдалар. Ғўза парваришини ҳам худди шунга мослаб олиб бораётирлар.

Механизаторларимиз пахта далаларининг чинакам қаҳрамонлари эканликларини амалда исботлаб, ҳамманинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўляпти. Йўлдош Қўлдошев, Некбой Ҳамроев, Мўмин Саиднабиев, Раҳмат Саодатов сингари дала гвардиячилари вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилишади. Ғўза қатор ораларини сифатли культивация қилишда бир-бирлари билан мусобақалашиб ишлашади. Ҳозир улар культиваторларнинг иш органларига ҳимоя тўсиқлари ўрнатиб ғўза қатор ораларини юмшатмоқдалар. Тракторчиларимиз ғўза парваришини пахта йиғим-терими бошланганга қадар давом эттиришга қарор қилишган.

2500 гектар майдондаги ғўза калта бўғин, машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Ана шу майдонлардаги пахтани «зангори кема»ларда саранжом-саришталаб оламиз. Далаларда 90 та терим агрегати жавлон уради. Машина теримига тайёргарликни аллақачонлар бошлаб юборганмиз. Агрегатларнинг кўпчилиги ремонтдан чиқарилиб, шай қилиб қўйилган. Пахтаси машинада териладиган участкалар механик-ҳайдовчиларга бириктирилган. Ҳар бир машинада 2 та механик-ҳайдовчи ишлайди. Бунинг учун 180 та механизатор тайёрлаганмиз. Уларнинг ҳаммаси курсларда ўқитилган, амалий машғулотларда қатнашган ва яхши малака орттирган.

Бу йил мамлакатга 13 минг тонна «оқ олтин» етказиб бермоқчимиз. Ҳосилнинг ҳозирги чўғи ана шу мажбуриятимизнинг ошириб адо этилишидан дарак бериб турибди. Лекин биз бу билан қаноатланиб қолмаймиз. Тағин ҳар туп ғўзада 2-3 тадан кўсак ҳосил қилиш учун ғўза парваришини янада кучайтирамиз.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Дон тайёрлаш ва уруғлик жамғариш йиллик плавларини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзиладилар:

Оқдарё райони (район партия комитетининг секретари **Э. Ҳидиров**, район ижроия комитетининг раиси **А. Хабибов** ва район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Х. Ҳакимов** ўртоқлар);

Каттақўрғон райони (район партия комитетининг секретари **С. Ражабов**, район ижроия комитетининг раиси **Г. Халилов** ва район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Б. Шукуров** ўртоқлар);

Қамаши райони (район партия комитетининг секретари **Р. Эшонқулов**, район ижроия комитетининг раиси **Р. Норбўтаев** ва район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **И. Ғозиев** ўртоқлар).

ЧОРВА ОЗУҚАСИ

Дадахон Эшонқулов анча йиллардан бери Андижон область. Хўжаобод районидаги «Коммуна» колхозининг ем-хашак бригадасига бошчилик қилиб келаётир. У ўзининг бутун иш фаолиятида колхоз ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Бу йил ҳам хўжаликнинг мустаҳкам ем-хашак базасига эга бўлиши учун ғайрат кўрсатяпти. Бригада аъзолари 1200 тонна силос ва 550 тонна дағал хашак жамғариш мажбуриятини олишган. Ҳозир 60 гектардаги маккажўхори поялари силос учун ўрилмоқда.

Ш. ЗОКИРОВ.

* * *

Сирдарё область, Жиззах районидаги Ленин орденли машъал «Москва» колхозининг меҳнатсевар чорвадорлари ем-хашак жамғариш ва силос бостириш ишида алоҳида ўрнак кўрсатяптилар. Улар қисқа вақт ичида 2490 тонна дағал хашак жамғариб, уни молхоналар олдига ғарамлаб қўйдилар. Колхоз чорвадорлари бу йил камида 1500 тонна силос бостиришни ҳам мўлжаллаяптилар. Маккажўхори ўрилиб, силос бостириляпти.

П. ИСМАТОВ.

ЎРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1969 йили ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олиш, давлатга дон топириш, уруғлик фонди жамғариш ва донни ташиб олиш юзасидан республика областлари, районлари совхозлари ва автоколонналари ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Тошкент областига (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Абдураззоқов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шайхов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Аракелян**, область совхозлар трестининг директори ўртоқ **Сотиболдиев**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Мамонтов**, дон маҳсулотларини реализация қилиш базасининг директори ўртоқ **Баҳромов**). Бу область давлатга дон сотиш планини 192 процент бажарган, шу жумладан, кейинги ўн кунликда йиллик планга нисбатан 24,1 процент миқдорида дон топширган.

Байроқ Сирдарё областидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ **Самарқанд** областининг **Ғаллаорол** районига (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳакимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Мамарахимов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Нуруллаев**) берилди. Бу район 104,6 минг гектар майдондаги ғалланинг ҳаммасини ўриб олган, дон тайёрлаш планини анча ошириб бажарган, давлатга 31,4 минг тонна дон топширган, 1970 йил ҳосили учун ўзини уруғлик фонди билан тўла таъминлаган ва ем-ҳашак фонди учун 10 минг тонна дон жамғарган.

Байроқ Тошкент областининг Ўрта Чирчиқ районидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ **Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли совхозга** (совхоз директори ўртоқ **Маҳмадўстов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Хуррамов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Днёров**) берилди. Бу совхоз 26 минг гектар майдондаги бошоқли дон экинларини ўриб олишни қисқа муддатларда тугаллаган, дон тайёрлаш планини ошириб адо этган ва давлатга 6,7 минг тонна дон сотган ҳамда 1970 йил ҳосили учун уруғлик жамғариш планини 100 процент бажарган.

Байроқ Самарқанд областидаги 1-«Ғаллаорол» совхозидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ **Қарши область автомобиль трестининг Ғузордаги 17-автобазаси терма автоколоннасига** (автоколонна бошлиғи ўртоқ **Қорахонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Гушчина**, маҳаллий комитет раиси ўртоқ **Жумаев**) берилди. Бу автоколонна Қашқадарё областидаги «Кўкбулоқ» совхозида дон ташишда ишлаган ва ўн кунлик планни 119,2 процент бажарган.

Байроқ Тошкент автотрести 3-автокомбинатининг терма автоколоннасидан олиб берилди.

Ғалла ўрим-йиғими, давлатга дон топириш ва дон ташиш илғорларини мукофотлаш учун Тошкент область ижроия комитетига 500 сўм, Ғаллаорол район ижроия комитетига 300 сўм, Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли совхозга 200 сўм ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ҳамда тош йўллар министрлигининг Ғузордаги 17-автобазаси терма автоколоннасига 200 сўм ажратилди.

ХАШАК ТЎПЛАНГ, СИЛОС БОСТИРИНГ!

Ўзбекистон ССР областларида дағал хашак жамғариш ва силос бостиришнинг бориши тўғрисида 1969 йил 22 августга бўлган

МАЪЛУМОТ

(минг тонна ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — дағал хашак жамғариш плани, учинчи устун — тайёрланган; тўртинчи устун — планнинг бажарилиш процанти, бешинчи устун — силос бостириш мажбурияти; олтинчи устун — бостирилган силос; еттинчи устун — планнинг бажарилиш процанти.

Тошкент	198,5	150,3	75,7	350,0	137,7	39,3
Сирдарё	186,3	147,9	79,4	235,0	101,6	43,2
Фарғона	148,7	77,6	52,2	350,0	83,8	23,9
Наманган	118,7	83,4	70,3	310,0	43,8	14,1
Андижон	126,6	86,8	68,6	275,0	57,9	21,1
Самарқанд	360,0	327,0	90,8	340,0	40,0	11,8
Бухоро	290,5	262.4	90,3	250,0	25,4	10,2
Қашқадарё	248,0	249,0	100,4	180,0	110,2	61,2
Сурхондарё	255,8	223,5	87,4	220,0	88,4	40,2
Хоразм	115,6	59.9	51,8	250,0	8,6	3,4
ҚҚ. АССР	164,9	58,8	35,7	242,0	6,6	2,7
РЕСПУБЛИКА БУЙИЧА:	2213,6	1726,6	78,0	3002,0	704	23,5

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косиғин ўртоқлар Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси ўртоқ Николае Чаушеску билан Руминия социалистик республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ион Георге Маурерга телеграмма йўллаб, унда Руминия фашизм зулмидан озод этилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Советининг Президиуми, СССР Министрлар Совети ҳамда бутун совет халқи номидан Руминия Коммунистик партиясининг Марказий Комитетини, Руминия социалистик республикаси Давлат кенгашини, Министрлар Советини ва барча меҳнаткашларини самимий қутладилар.

Совет кишилари, деб таъкидланади телеграммада, румин халқининг эришган муваффақиятларидан самимий шод-хуррам бўлиб, бу муваффақиятларни социализм кучларини мустаҳкамлашнинг умумий ишига қўшилган ҳисса деб қарайди.

Империалистик кучлар социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлигига путур етказишга, уларни эзратиб юборишга уринаётган ҳозирги шароитларда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Варшава шартномаси ташкилотининг ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доираларида сиёсий, иқтисодий ва мудофаа ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бутун чоралар билан ёрдам беришни, жаҳон социализми позицияларини янада кўпроқ мустаҳкамлашни ўз вазифаси деб билади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР ҳукумати Руминия социалистик республикаси билан дўстона алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказар экан, СССР билан Руминия социалистик республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб, социализм ва коммунизм улуғвор ишининг равнақи учун, марксизм-ленинизм принципларига асосида кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоғи учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилмоқдалар.

«Руминия озод этилганига 25 йил тўлган шонли кунда, — дейилади телеграмманинг охирида, — Руминия Коммунистик партиясига, қардош румин халқига Руминия Компартиясининг X съезди мамлакат моддий техника базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан ривожланган социалистик жамият вужудга келтириш юзасидан қўйган вазифаларни бажаришда катта муваффақиятлар тилаймиз».

ШУ КУННИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАРИ

◆ Ғўза парваришини бўшаштирмай давом эттириб, пахта йиғим-теримига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрайлик. ■ Барча терим агрегатлари ишга шай қилиб қўйилсин.

ЧОРВАДОР ЎРТОҚЛАР! Дағал хашак тайёрлаш, силос бостиришга зўр беринг. ● Чорва қишловига намунали тайёргарлик кўринг.

◆ *Ғаллани сира нобуд қилмай тез кун ичида ўриб-янчиб олайлик.* ■ *1,5 миллион тонна дон тайёрлаш ҳақидаги мажбурият тўла бажарилсин.* ◆ Давлатга кўпроқ дон сотайлик!

САНЪАТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТУРИ

Биз учун санъатнинг энг муҳими—кинодир, деган эди В. И. Ленин. 22 августда Тошкентдаги Санъат саройида бўлиб ўтган тантанали кеча миллионлаб кишиларнинг ҳурматига сазовор бўлган санъатнинг ана шу турига — совет кинематографиясининг 50 йиллигига бағишланди.

Кечани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Турсунов очди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кинематография давлат комитетининг раиси А. Каюмов совет кинематографияси ҳақида, унинг ташкил этилган кунидан бошлаб босиб ўтган шонли йўли тўғрисида сўзлаб берди.

Кино санъати учун хизмат қилаётганларнинг мана шу катта анжуманида «Ўзбекфильм» студиясида яратилган «Қизил қум» рангли кенг экранли янги бадиий фильми кўрсатилди. (ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

РЕПОРТАЖ

Тошкентнинг шундай юраги да муҳташам бир бино қад кўтармоқда. У сал кунда Ўзбекистондаги энг кўркам, энг файзли кошоналардан бирига айланади. Бинокорлар бутун билимларини, тажрибаларини ишга солиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Биз якинда музей директори, тарих фанлари доктори, профессор **Т. Жўраев** билан учрашдик. Бўлажак 20 залда қўйиладиган материалларнинг қисқача мазмуни билан танишдик.

БИРИНЧИ ЗАЛДА В. И. Ленининг болалик ва ёшлик йиллари, революцион кураш йўлига ўтиши, Петербургдаги ҳаёти ҳамда марксизм тараққиёти ленинча босқичининг бошланиши, Сибирь сургуни пайтлари акс эттирилган. Залга Ульяновлар оиласининг хилмахил фотолари ҳам қўйилган. Деворда Симбирск гимназиясининг умумий кўринниши турибди. Бу ерда В. И. Ульянов (Ленин) 1879—1887 йилларда таълим олган эди. Залга Володянинг етуклик аттестати, олтин медали қўйилган, унинг ажойиб истеъдоди ва талантини баҳоловчи гимназия директорининг характеристикаси ҳам шу ерда.

Ҳозир собиқ гимназияда 1-ўрта умумий таълим мактаби жойлашган, Мактабдаги В. И. Ленин музей-синфи ҳам кўз қорачиғидек сақланмоқда. 1959 йилдан бошлаб бу музей-синфда машғулотлар ўтказилмайдиган бўлди. Лекин ҳар йили биринчи синфга келган жажжи ленинчилар биринчи дарсни В. И. Ленин ўқиган худди шу синфда бошлашади.

Ёш Володя акаси Александрни гоят жасурлиги ва ўзоқлик йўлидаги қатъий эътиқоди учун жуда севарди. Лекин Александр подшога қарши курашда суиқасд йўлини танлаб олганини В. И. Ленин хато деб ҳисоблайди. Рассом П. Белоусовнинг залга қўйилган «Биз бу йўлдан бормаймиз» номли асари Владимир Ильичнинг ёшлик пайтидаёқ етук марксист бўлиб етишганини ёркин ифодалаб турибди.

Биринчи залга Петербургдаги марксистик тўгарак қатнашчиларининг ҳам расми қўйилган. Ўша пайтда Владимир Ильич Петербург марксистларн олдига революцион пролетар партиясини тузиш вазифасини қўйган эди...

1895 йилнинг декабрида В. И. Ленин ва кураш союзининг бир группа бошқа аъзолари қамоққа олинадилар. Владимир Ильич бир кишилик 193-камерада 14 ой давомида қамоқда ётади. Залда ана шу камерининг ҳам фотоси намойиш этилади. 1897 йилнинг февралида Владимир Ильич Сибирга сургун қилинади. Доҳийнинг сургун даврида революцион назария ва ҳаракат масалаларини, партиянинг ташкилий қурилишини ишлаб чиқади ва Россия ҳамда халқаро оппортунизмга қарши аёвсиз жанг олиб боради. Уч йиллик сурган даврида В. И. Ленин 30 дан ортиқ асар яратади.

ИККИНЧИ ЗАЛГА киришингиз билан Владимир Ильич Ленин янги типдаги марксистик партия тузиш йўлида қанчалар кўп меҳнат сарфлагани кўз олдингизга келади. В. И. Ленин чет элда юрган пайтида революцион кураши бир он бўлса ҳам тўхтатмайди. Янги партия тузишда гоят катта роль ўйнаган «Искра» газетаси биринчи сонининг фотонусхаси қўйилган. Дарҳақиқат, доҳийнинг «Газета фақат коллектив пропагандист ва коллектив агитатор эмас, балки коллектив ташкилотчи ҳамдир» деган сўзлари бежиз айтилмаган.

УЧИНЧИ ЗАЛДА В. И. Ленининг РСДРПнинг II съездини тайёрлашдаги фаолиятига бағишланган ҳужжат ва материаллар қўйилган. Шунингдек, доҳийнинг II съездда оппортунистлар билан аёвсиз кураш олиб боргани ҳамда учинчи партия съездини чақиришга тайёргарлик кўриш масалалари ёритилади.

Биринчи рус революцияси даври. XX асрнинг бошлари капитализмнинг энг юқори ва сўнгги босқичи империализмга ўтиш билан характерланади. 1904 йилги Россиянинг Япония билан уруши капиталист зиддиятларини янада чуқурлаштириб юборди. Халқ галаёнлари кучайиб кетди. Музейнинг ТЎРТИНЧИ ЗАЛИ материаллари тарихий тараққиётнинг мана шу босқичини ёритишга бағишланган. Зал кўргазмалари рассом И. Владимировнинг «1905 йил 9 (22) январида Қишки сарой олдида ишчилари ўққа тутиш» номли машҳур асари билан бошланади. Бу воқеа биринчи буржуа демократик революцияси даврининг бошланишидан далолат берар эди. В. И. Ленин бошлиқ большевиклар партияси бу пайтда олиб борган шиддатли кураш зал кўргазмаларида ўз аксини топган.

Биз юбилей олдидан очилажак музейнинг бошқа залларига ҳам хаёлан кириб чиқамиз. Мана. ТЎҚҚИЗИНЧИ ЗАЛ. Бу ердаги материаллар 1917 йилнинг апрель ойидан 1918 йилгача бўлган ишчилар синфининг кураш йўлини акс эттиради. Залнинг умумий номи «Октябрнинг илҳомчиси ва доҳийси» деб аталади.

Залдаги кўргазмалар ичида марказий ўрнини доҳийнинг «Апрель тезислари» эгаллайди. Бу программ-ҳужжатлар партия ва ишчилар синфининг буржуа демократик революциясидан социалистик революцияга ўтишдаги аниқ йўлини илмий томондан асослаб беради.

ЎНИНЧИ ЗАЛ материаллари эса В. И. Ленин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг илҳомчиси ва доҳийси эканлигини, унинг Совет ҳокимиятининг биринчи ойларидаги тинимсиз фаолиятини, революциянинг халқаро аҳамиятининг ленинча тавсифини кўрсатиб беради.

КЕЙИНГИ ЗАЛ кўргазмалари доҳийнинг Совет социалистик давлатининг асосчиси эканлигини кўрсатишга бағишланган. Доҳий ўша пайтда янги, пролетар давлати тузишдаги умумхалқ курашини бошқариб борди. В. И. Ленин ва большевиклар партияси ишчи ва деҳқонларнинг ижодий кучига, революцион ташаббускорлигига чуқур ишонар эдилар.

Залда Совет ҳокимиятининг дастлабки ойларида қабул қилинган Декретларнинг нусхалари намойиш этилган.

Улуғ Октябрь революциясининг олтмишмул ғалабаси инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди. Германия, Англия, Франция, Япония ва бошқа давлатлар ёш Совет республикасига қарши очиқдан-очиқ ҳарбий интервенция бошлаб юбордилар. Антисовет интервенциянинг бош ташкилотчиси ва фаол иштирокчиларидан бири АҚШ бўлди. В. И. Ленин ўзининг «Америка ишчиларига хат»ида Америка империалистларининг озодлик жаллодлари эканлигини очиб ташлади.

ЎН ИККИНЧИ ЗАЛ. Деворга «Совет республикаси фронт халқаси ичида. 1918 йил, август» харита-жадвали осиб қўйилган. Ундан Советлар мамлакати ўша йилларда қанчалик оғир аҳволга тушганлиги кўриниб турибди. Душман мамлакат территориясининг тўртдан уч қисмини эгаллаб олган, республика асосий озиқ-овқат, хом ашё ва ёқилғи районларидан ажралиб қолган эди. Мана шундай мушкул пайтда доҳий Ленин раҳбарлигида Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш тадбирлари кўрила бошлади. Халқ томонидан қўллаб-қувватланган, халқнинг чинакам манфаатларини ҳимоя қилган Қизил Армия ёш Совет республикасининг турли хил душманларини бирин-кетин тор-мор қила бошлади...

Тошкентнинг кўркига айланадиган бу ҳашаматли бино буюк доҳийнинг ҳаёт йўли, унинг ғоялари туфайли гўллаб-яшнаётган турмушимиз ҳақида марокқ билан ҳикоя қиладн. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона бўлган бу мўътабар даргоҳда Владимир Ильичнинг буюк ҳаёти ва фаолиятини имкон борича тўлароқ акс эттиришга ҳаракат қилинаяпти. Ҳар бир даврга қараб турли залларда доҳийнинг шахсий буюмлари, китоблари, газета ва бошқа материаллар қўйилади.

Музейни безаш Тошкентдаги «Рассом» комбинатининг ходимларига топширилган. Улар Москвада ишлаб, Марказий музей қошида эскизлар тайёрлашди. Уларга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Коник раҳбарлик қиляпти.

Шу кунларда Владимир Ильич Ленининг Кремлдаги кабинети ва ишхонасининг макети буюртма асосида тайёрланяпти. Бундан ташқари, музей залларида Ленин ғояларининг Ўзбекистонда қандай амалга оширилганлиги, Туркистон ўлкасида асримиз бошида ташкил топган инқилобий ҳаракат тарихи, бугунги муваффақиятларимиз ҳам кенг намойиш этилади.

1905 — 1907 йилларда Туркистон ўлкасида партия матбуотининг яшириш ва ошкора тарқалиши, «Правда»нинг босилиши, ўлкада социал-демократик ташкилотлар тузилиши ҳамда уларнинг раҳбарлари ҳақида хилма-хил материалларни кўриш мумкин. 1912 йилда Тошкент якинида бўлиб ўтган сапёрлар қўзғолони, 1916 йилдаги мардикорга олиш воқеалари, 1917 йил февралдаги буржуа-демократик революцияси ва нихоят Туркистонда буюк Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва бошқа муҳим тарихий саналарга бағишланган экспонатлар ҳам тайёрланяпти.

Музей ҳоналарида Туркистон комиссиясининг жўшқин фаолияти, улуг доҳий йўлланмаси билан келган ағоқли революционерлар Ш. Элиава, Я. Рудзутак, М. Фрунзе, В. Куйбишев ва бошқа маҳаллий партия ходимларининг республикамиз иқтисоди ва маданиятини кўтаришдаги жанговар фаолиятлари муносиб ўрин олади. Кино залда эса томошабинлар Владимир Ильич ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильмларни кўришлари мумкин.

Музей келаси йилнинг бошида битказилади. Доҳийимизнинг 100 йиллик тўйи кунигача бу ажойиб кошона ишга тушади.

Ленин нафаси келиб турган бу маърифат саройи доҳий ғояларининг Шарқдаги ғолиб маёгидек қад кериб туришига саноқли кунлар қолди.

Р. РАҲМОНОВ,
О. УСМОНОВ.

ТОШКЕНТДА қурилаётган Ленин музейи улуг доҳийнинг 100 йиллиги кунига очилади. Сиз биринчи суратда Ленин музейи қурилишини ва кейинги икки суратда бўлажак залларнинг эскизини кўриб турибсиз.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ КОМИССИЯЛАРИДА

ҚУРУВЧИЛАРГА — ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА

КПСС XXIII съездининг директивларида қурилиш ишлари бино ва иншоотларни монтаж қилиш комплекс механизациялашган процессига айланмоғи керак, деб белгиланган. СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссияси техника тараққиётига алоҳида аҳамият бериб, қурилиш-монтаж ишларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини ошириш тўғрисидаги масалани, шунингдек қурилиш машиналаридан янада самарали фойдаланиш масаласини муҳокама қилди. Комиссия аъзолари бўлмиш бир группа депутатлар шу муҳокамага тайёргарлик кўриш тартибида Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон, Молдавия ССР, РСФСРнинг Липецк ва Иркутск областларидаги қурилишларда ишлар қандай механизациялаштирилганлиги билан танишди.

20 август куни Кремлда бўлиб ўтган мажлисни комиссия раиси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев очди.

Докладчи — комиссия тайёргарлик группасининг раҳбари депутат Н. В. Банников, шунингдек сўзга чиққанлар партия ва ҳукумат кўрган чоралар натижасида сўнгги вақтларда капитал қурилиш моддий-техника базасини мустаҳкамлашда муайян муваффақиятларга эришилганлигини айтиб ўтдилар. Беш йилликнинг уч йили мобайнида комплекс механизациялашган ер ишлари ҳажми масалан 47 процент, бетон ишлари ҳажми 12 процент кўпайди.

Автоматлаштириш воситаларининг жорий этила бошлаганлиги қурилишда тобора каттароқ аҳамият касб этмоқда. Автоматлаштирилган завод ва установкаларда бетон ва қоришма тайёрланмоқда. Ер қазиш ишлари, монтаж қилиш, юк ортиш-туширш ишлари, қурилиш ишларини оператив бошқариш автоматлаштирилган системалари учун иш органлари автомат тарзда бошқариладиган машиналар ишлатила бошлади.

Шу билан бирга, депутатларнинг нуткларида кўрсатиб ўтилганидек, бир қанча ҳолларда қурилиш-монтаж ишларини комплекс механизациялаш даражаси етарли эмас. Меҳнат унумдорлиги ўсиши белгиланган топшириқдагидан орқада қолаётганлигининг сабаби ҳам шудир. Масалан, 1966 йилдан 1968 йилгача пудратчи қурилиш ташкилотларидаги ишчиларнинг иш унуми планда кўзда тутилган 19.9 процент ўрнига атиги 16.5 процент кўпайди, холос. Қўл меҳнати билан банд бўлган ишчиларнинг улуши ҳамон катта.

Қурилишдаги машиналар парки ўсиш суръатларининг орқада қолаётганлиги, қурилиш ташкилотларининг машиналарга бўлган эҳтиёжлари етарлича қондирилмаётганлиги ана шу аҳволнинг асосий сабабчиларидан биридир. Ҳозирги қурилиш миқёслари машиналардан, механизмлар, иш унуми ортган ва кўпроқ юк кўтара оладиган транспортдан кенг кўламда фойдаланишнни талаб этади. Шундай бўлсада, айрим корхоналар қурувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб бермай қолган кам унум машиналар ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда. Саноат ишлаб чиқараётган машиналар номенклатураси бир қанча ҳолларда қурилишни комплекс механизациялашни таъминламаётир. Принципиал янги машина намуналари суст ишлаб чиқилмоқда ва ишлаб чиқаришга яхши жорий этилмаётир. Саноат қурилиш конструкциялари ҳамда технология машина-ускуналарининг оғир узелларини ташишга мўлжалланган ихтисослаштирилган транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ташкил қилинмаган.

Қурувчилар асбоб-ускуна, кичик механизация воситалари билан етарлича таъминланмаганлиги ҳам уларнинг меҳнат унумдорлиги ўсишини тўхтатиб турибди. Асбоб-ускуна ва кичик механизация воситаларининг сифатидан шикоятлар кўп. Қурилиш ва транспорт машиналарининг запас қисмлари етишмаётганлиги сезилмоқда.

Қурилиш министрликлари ва идоралари раҳбарларининг эътиборь техникадан фойдаланишни яхшилаш, қурилиш ташкилотлари ремонт-эксплуатация базаси қуватлари ўстирилишини таъминлашга қаратилган. Қурилиш ва йўл машинасозлиги корхоналари қувватларини ишга туширш, жумладан, Конаково ва Резекне шаҳарларида қурилиш-монтаж асбоблари ишлаб чиқарувчи заводлар, Донецкда экскаватор заводи қуриш топшириқларининг бажарилишига қаратилган чораларни кўриш таклиф қилинди.

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советига, СССР Министрликлари ва идораларига қурилиш машиналаридан фойдаланиш самарадорлигини ўстиришга, саноатда эса мазкур машиналарнинг техника даражаси сифати, пухталигини оширишга рағбатлантирувчи мусобақа якуналарини чиқариш тартибини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Комиссия СССР Госпланинг, СССР Госстройи ва СССР Госснабига ҳам бир қанча тавсиялар қабул қилди. Шу тавсияларнинг амалга оширилиши қурилиш ишида техника тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беради. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР савдо министрлигида

ПЛАН — ҚОНУН

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида бўлгани каби савдода ҳам товар оборот планларини бажариш жуда катта давлат аҳамиятига эгадир. Лекин шунга қарамай республикамизнинг кўпгина савдо ташкилотлари бу талабга тўла жавоб бера олмаётирлар.

Шу йилнинг иккинчи кварталн плани, умуман 1969 йил биринчи йиллик товар оборот топшириқлари қониқарсиз адо этилди. Ярим йиллик план мўлжалдагидан 130,8 миллион сўмлик кам бажрилди. Айниқса Сирдарё, Хоразм областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда аҳвол ташвишлидир. Чунончи товар оборотн ярим йиллик плани Сирдарёда атиги 88,7, Хоразмда 91,5, Қорақалпоғистон АССР да эса 92,8 процент бажарилди холос. Бухоро ва Андижон областларида ҳам аҳвол шундай.

Айрим савдо ташкилотларида халқ истеъмол моллариии ҳамма жойга бир хилда, текис тақсимлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйиляпти. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, харидорлар билан муомала маданияти ҳам нўнгилдагидек эмас.

Узбекистон ССР Савдо министрлиги ана шу масалаларни қараб чиқиб махсус қарор қабул қилди. Унда республика савдо ташкилотлари зиммасига товар оборотн планларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан конкрет вазифалар юкланди. Шунингдек, газламалар, кийим-кечак, маданий моллар кўргазмаларини ташкил этиш тавсия қилинди.

ҚИШГА ҲАММА НАРСА ТАХТ БЎЛСИН

Маълумки, бултур қиш қаттиқ келди. Бу эса савдо-сотиқни ташкил этиш, кенг истеъмол моллаРини меҳнаткашларга вақтида етказиб беришни анча мураккаблаштирди. Чунки савдо ташкилотларимиз қишки мавсумга яхши тайёргарлик кўришмаган эди. Қиш эса улар учун жуда катта синов бўлди.

Шу боисдан ҳам министрлик ўтган йилги қиш савдоларини ҳисобга олиб, бу йилги қишги мавсумга тайёргарлик кўриш масаласини кўриб чиқиб махсус қарор қабул қилди. Қарорда Қорақалпоғистон АССР савдо министрлиги, область ижроия комитетларининг савдо бошқармалари, Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармаси, маҳаллий савдо ва умумий овқатланиш тармоқларининг раҳбарлари зиммасига савдо корхоналарини бу йилги қиш мавсумида ишлашга пухта тайёрлаш ва бу борада 15 сентябрга қадар ҳамма чора-тадбирларини кўриб чиқиш юклатилди. Айниқса савдо корхоналарини қишга мослаб ремонт қилиш, ситиш, савдо ходимларининг бемалол ишлашлари учун қулай шароитлар яратиб бериш алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, озиқ-овқат моллари, сабзавот ва мева-чевалар сақланадиган омбор хоналарни маълум ҳароратда сақлаб туриш тавсия этилди.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Халқ талантларининг сўнгги пайтларда ўтказилаётган концерт ва кўрикилари савдо тармоқларида ҳам ашула ва раҳс, бадиий ўқиш ва антёрликка ҳавасманд кишилар кўплигини исботлади. Айниқса Тошкент шаҳрининг Ленин, Фрунзе, Чилонзор районлари ошхоналар трестлари ҳамда шаҳар ресторанлар трести ҳузурида ташкил этилган «Кувноқ ошпазлар» клублари меҳнаткашларнинг тақсинига сазовор бўляпти.

Республика савдо министрлиги меҳнаткашларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш ҳозирги пайтда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, савдо ходимлари касаба союзи Республика комитети билан биргалиқда «Давлат савдоси ташкилотларида бадиий ҳаваскорлиини ривожлантириш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорда айтилишича, савдо ходимларини эстетик жиҳатдан тарбиялаш савиясини оширш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида бадиий ҳаваскорлиқ тўгаракларн ташкил этиш ҳамда шу йилнинг 1 декабрида, 1970 йилда савдо тармоқларида меҳнат қилаётган халқ талантларининг кўрикларини утказиш тавсия этилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси ихтиёрига «Кувноқ ошпазлар» клубларининг энг яхши актив қатнашчиларини мукофотлаш учун министрлик 500 сўм пул ажратди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узоқ йиллар, самарали ишлаганлиги ва пилачиликни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Фарғона область пилачилик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Борис Андреевич Ежков Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумнинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ маҳаллий Советларида

Меҳнаткашлар депутатлари Шаҳрисабз район Советининг навбатдаги сессиясида 1968—1969 ўқув йилининг якунлари ва район мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш масаласи муҳокама қилинди. Бу хусусда район ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. Эргашев ва халқ маорифи доимий комиссиясининг раиси К. Ўринов ўртоқлар депутатларга ҳисоб беришди.

* * *

Меҳнаткашлар депутатлари Қарши шаҳар Советининг якинда бўлиб ўтган сессиясида беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

У. ИСМОИЛОВ.

ТЎРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

Бу ерда ёқимли куй ва қўшиқ доимий меҳмон. Чиноз матлубот ҳаммиятига қараши «Радио-музика» магазинига ташриф буюрган харидорлар куй ва қўшиқдан ҳам кўра хушмуомала сотувчиларнинг ширинсуҳаналигидан, самимий илтифотидан хурсанд бўлиб чиқишади.

Мирсобир ёшлигиданоқ элнинг хожатини чиқаришга, одамларга беминнат хизмат қилишга ҳавасманд эди. 1961 йил Тошкент савдо техникумини тугатиб «Радио-музика» магазинида оддий сотувчи бўлиб иш бошлаган пайтданоқ хушмуомалалик, самимийлик харидорга хурмат унинг йўлдоши бўлди. Ҳалол меҳнат ерда қолмади. У тез орада магазинга мудир қилиб тайинланди. Ойлик квартал, йиллик планлари узлуксиз бажарилаверди. Ўтган йилги натижалар айниқса кувончли бўлди. Мирсобир Сиддиқов мудир бўлган «Радио-музика» магазин коллективи қишлоқ аҳолисига маданий савдо хизмати кўрсатишда эришган ютуқлари учун СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг бронза медали ва пул мукофоти билан тақдирланди.

П. МИРОҚИЛОВ.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Яқинда редакция икки газеткондан бир мазмундаги хат олди. Унда Худойбердиев ва Яхеев ўртоқлар ўз фамилия ва исмлари метрика ва паспортларида нотўғри ёзилиб қолганлигини, ўзгартириш йўллари ҳақида маслаҳат беришни сўрашибди.

Мухбиримиз М. Маҳмудов шу масала юзасидан Узбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг маъмурий ишлар бўлимига шу министрликнинг паспорт бўлимига, Узбекистон ССР Министрлар Совети маъмурий бўлимига мурожаат қилди.

Меҳнат ва ижодий фаолият, шахсий ҳаёт билан боғлиқ бўлган барча расмий ҳужжатлар саводли, тўғри, қар бир миллий тилнинг адабий нормаларига риоя қилинган ҳолда ёзилиши керак. Шундай ёзиляпти ҳам. Лекин, афсуси, баъзан ё ота-оналарнинг, ё ЗАГС ташкилотларининг ишга совуқонлик билан қараганидан туғилиш гувоҳномаси хато ёзилиб қолади. Деярли ҳамма ҳужжатларнинг асоси — метрика бўлгани учун, бу ҳужжат олинаётганда ниҳоятда эътибор билан қараш, эҳтиёт бўлиш лозим.

Модомики, Худойбердиев билан Яхеев каби айрим кишиларнинг ҳужжатлари хато ёзилган экан, энди уларни албатта тузатиш мумкин ва лозим. Маълуд қонунга кўра, бундай ҳолларда исми, фамилияси бузилган шахсларнинг ота-оналари (ёки ўзлари) шу ҳақда маҳаллий ЗАГС ташкилотларига (қишлоқ Советидан ташқари) ариза ёзиб, бу аризада хатолик қандай юз берганлигини кўрсатишлари керак. ЗАГС ташкилотлари шу ариза асосида мазкур шахсларга тўғри исм ва фамилиясини кўрсатиб янги гувоҳнома ёзиб беради.

Шундан сўнг мазкур шахс агар балоғатга етган ва аввал паспорт олган бўлса, у район ёки шаҳар милиция бўлими бошлиғи номига ариза ёзади ва аризада номи (ёки фамилияси)ни ўзгартганлиги сабабларини кўрсатиб, паспортини ўзгартириб беришни сўрайди.

Шу йўл билан ранат номи, фамилияси нотўғри ёзилган кишиларгина эмас, балки фамилияси қўполроқ ёқимсизроқ бўлган кишилар ҳам район (шаҳар) милиция бўлимига ариза ёзиб, давлатга маълум миқдорда ҳақ тўлаб хоҳлаган фамилиясига ўтиши мумкин. Аммо бунинг учун асос бўлиши керак. Чунки, арзир-арзимас сабаб, баҳона билан исм-фамилияни ўзгартираверишмумкин эмас.

Ҳужжатларни нейин ўзгартиб қийналиб юрмаслик учун бошда ота-оналар ҳам, ЗАГС ташкилотлари ҳам бу ишга ниҳоятда катта эътибор беришлари, совуқонлик қилмасликлари зарур.

Чунки инсон номи оддий товуш эмас, балки онанинг орзу-умидини, шу номни олган кишининг фазилатларини ҳам англатади.

«ЗОНД-7» АВТОМАТ СТАНЦИЯСИ ЕР БИЛАН ОЙНИ СУРАТГА ОЛМОҚДА

Илгари хабар берилганидек, «Зонд-7» автомат станцияси учаётган пайтда ўтказилган илмий экспериментлардан бири Ер ва Ой тасвирини рангли пленкага тушириш эди. Станция бу суратларни Ерга келтирди.

Ерни фотосуратга олиш биринчи сеанси 1969 йил 8 август куни соат 8 дан 52 минут ўтгандан то соат 9 дан 26 минут ўтгунга қадар давом этди. Бу пайтда станция планетамиздан тахминан 70 минг километр масофада эди.

Сеанс бошланишидан олдин станцияда ўрнатилган фотоаппаратнинг оптик ўқи Ер маркази сари йўналтирилган эди. Суратга олиш чоғида станция Каспий денгизи устида эди. Суратда Ернинг ўқи чап томонга салгина оғган. Бу денгиз устида ва унинг шарқ томонида булут бўлмаганлигини кўриш мумкин. Ўрта Осиё республикалари, Орол денгизи ва Балхаш кўлининг қиёфаси яққол кўриниб турибди. Помир ва Тянь-Шань тоғ тизмалари ҳам равшан ажралиб турибди. Ундан шарқда булутлар оралиғида Олтойнинг ўрмонли тоғлари, ундан нарида эса, Байкал кўлининг контурлари кўзга ташланади.

Бутун Кавказни қоплаб олган ҳалқит булут орасидан Қора денгиз ва Азов денгизи ҳамда Қрим ярим ороли кўринади. Шимолда, булутларнинг нарнёғида Ботник кўлтиғи, Карелия ва Оқ денгизнинг қиёфаси кўринади. Шимолий муз океани устининг ҳаммасини булут қоплаб олган.

Совет Иттифоқидан жанубда Эрон ва Афганистон, Ирок, Кичик Осиё ва Арабистон ярим ороли территорияси кўриниб турибди. Фотосуратнинг бу қисмида Фирот ва Дажла дарёлари кесиб ўтган Месопотамия қиёфаси диққатни ўзига жалб этади.

Қизил денгизнинг нариёғида Шимолий Африка, Нил дарёсининг Миср ва Судандаги қарийб бутун оқими бўйлаб водийси ва ундан нари Африка саҳролари кўринади.

Ўрта денгиз соҳили ва Болқон ярим ороли устида енгил булут бор. Атлантика океанидан келаётган булутлар Пириней ярим оролини бутунлай қоплаб олган. Суратга олиш чоғида терминатор чизиғи (кун билан тун чегараси) Атлантика океанидан ўтарди.

Иккинчи марта суратга олиш сеанси 11 август куни Москва вақти билан соат 5 дан 28 минут ўтганда бошланиб, ўн минут давом қилди. Сеанс бошланиши олдидан станция Ойдан 10 минг километр масофада эди. Ой юзининг чап қисмини қуёш ёркин ёритганди. Ўнг қисми эса, қоронғи эди. Суратда терминаторни кўрамиз. Терминаторнинг тун томонида — Бўрон океанининг ғарбий қисми тасвири бор (у рангли фотосуратда яшил тусда товланувчи кўкимтир-жигаррангда кўринади, Ойдаги қолган областларнинг туси — кўкимтир-сариқ).

Бўрон океанидаги энг катта циркимон тоғлар: Рессел цирки билан Струве цирки равшан кўриниб турибди. Уларни ғарб томонидан Герцин тоғлари айланиб ўтган. Эддингтон циркидан шарқда — терминаторда ботаётган қуёш нурлари ёритган Селевк кратерининг деворини кўрамиз. Эддингтон циркидан шимолда, терминатор ёнида — Бриг кратери, жанубда эса Крафт ва Кардан кратерлари яққол кўриниб турибди.

Суратнинг жанубий қисмида ботаётган қуёш ёритган Кавальери ва Гевелий цирклари нинг деворлари кўзга сал-пал ташланади. Ўнгдаги қуйи бурчакда Гримальди циркининг кенг таги кўринади, унинг ғарби-шимолида эса, Гедин ва Риччиоли цирклари жойлашган.

Ойнинг Ердан кўринадиган ва кўринмайдиган томонларининг чегараси суратнинг тахминан ўртасида шимолдан жанубга томон ўтган. Ойнинг кўзга кўринмайдиган томони чап томонда жойлашган. Суратнинг энг қуйи қисмида Шютер кратери кўриниб турибди. Унинг ўнгроғида бир мунча қиғироқ тасвирланган Хертвиг цирки турибди. Суратнинг бутун ғарбий қисмини қуёш яхши ёритган кўпдан-кўп кратерлар ва цирклар туркуми тўлдирган. Суратнинг ўрта қисмида Васко-да-Гама циркини пайқаш мумкин, унинг ғарбида Эйнштейн кўшалоқ цирки, шимолда эса, Мосли ва Бальбоа циклари жойлашган. Сурат Ой юзида узунлик жиҳатидан сал кам 30 градусни, кенглик жиҳатидан эса сал кам 40 градусни қамрайди.

Учинчи марта фотосуратга олиш сеанси иккинчи сеанс тугаганидан сўнг тахминан бир соат ўтгач, «Зонд-7» Ой радио совсига кириша бир неча минут қолганида бошланди. Мўлжал олдириш ва автомат тарзда ишловчи программали бошқариш қурилмаси системалари космик фотосистемадаги барча блокларнинг ғоят аниқ ва пухта ишлашини таъминлади. Биринчи сеансдаги каби учинчи сеансдаги оптик ўқ ҳам Ер маркази сари йўналтирилган эди. Ойнинг тескари томони Ой юзидан 2 минг километр баландликда суратга олиниб, «Зонд-7» орбита перицентридан (станциядан Ой юзигача бўлган энг яқин масофа) ўтиш пайтига қадар давом қилди.

Учинчи сеанс бошланаётганда Ернинг, уфққа секин аста ботаётган Ойнинг рангли суратлари олинди. Бу суратда Ер бир мунча бошқачароқ тарзда кўринади. Тасвирнинг марказида Ҳиндистоннинг жанубий қисми билан Ҳинд океанининг шимолий соҳили кўзга ташланади. Ғарби-жанубий Осиё билан Шарқи-шимолий Африкани булутлар қарийб қоплаган. Каспий денгизи ва Орол денгизи, Ўрта Осиё, Африканинг камбар бир қисми яққол кўриниб турибди. Суратнинг қуйи қисмида ўнг томонда булутлар қарийб қоплаганда Австралия қиёфаланади. Суратнинг бир қисмини Тинч океан эгаллаган. Фотосуратга олиш вақти Москва вақти билан соат 7 дан 08 минут ўтган пайтга тўғри келганлигидан Европа билан Африканинг ғарбий қисми соядa — у ерда ҳали тун эди. Суратда кун билан тунниг чегараси — бир мунча ҳиралашган ва Ойга қараган чизиқ бўлиб кўринади.

«Зонд-7» автомат станцияси учаётган пайтда ўтказилган фотографик экспериментларнинг натижалари ишлаб чиқилмоқда. Рангли суратлар журналларда босиб чиқарилади. (ТАСС).



ЕРНИНГ бу сурати 70.000 километрга яқин масофада 1969 йил 8 августда «Зонд-7» автомат станцияси орқали олинган. Суратнинг марказида Каспий денгизи. Ундан шарқ томонда Ўрта Осиё совет республикаларининг территорияси. Шунингдек, Африканинг шимоли-шарқ қисми ва Осиёнинг жанубий-ғарб томони кўриниб турибди.

ЕРНИНГ бу сурати эса 1969 йил 11 августда Ойнинг четига кириб бориш пайтида олинган. Бу суратни ҳам «Зонд-7» автомат станцияси олган. Ойгача бўлган масофа — 2.000 километр. Суратда Ўрта Осиё, Арабистон ярим ороли ҳамда Австралия яхши кўриниб турибди.

ТАСС фотоси.

ХОРАЗМ ЯНГИЛИКЛАРИ

БАЙРОҚДОР ТРЕСТ

Областда янгидан ташкил этилган «Хорезмводстрой» трести коллективи дастлабки кучларданоқ яхши ишлай бошлади. Гидромеханизаторлар сув хўжалиги қурилишларида ленинча меҳнат вахтасини қизитиб, тупроқ қазиш ва бетон ишлари топшириқларини ортиғи билан адо этишяпти. Коллектив иккинчи кварталда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчи-хизматчилари касаба союзи Марказий Комитети кўчма Қизил байроғини олди. Трест қурувчилари учинчи квартада ҳам байроқни қўлда сақлаб қолиш учун курашмоқдалар.

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ФЕРМА

Яқинда Хоразм областидаги 90 га яқин колхознинг раиси, область ва районларнинг раҳбарлари, чорвачилик мутахассислари, Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхозда қад кўтарган типовой сут-товар фермасига тўпланишди. Улар механизациялашган фермаларнинг лойиҳасини муҳокама қилиб, областдаги бошқа хўжаликлар учун ҳам намунали топдилар. Шовот канали ва Кулобод ариғи ўртасида қурилган бу ферма 2 сигирхона, 2 бузоқхона, озуқа цехи, молларни чўмилтирадиган ҳовуз ва ҳоказолар бўлади.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЮТУҚ ВА... КАМЧИЛИКЛАР

ЯНГИ ЎҚУВ ИЙЛИГА ТАЙЕРМИСИЗ?

Қорақалпоғистон Автоном республикаси мактабларида 1969 — 1970 ўқув йилида 169 минг бола ўқийди. Шундан 20 мингдан кўпроғи биринчи марта мактаб остонасига қадам қўяди. Ёш авлодга чинакамига ғамхўрлик қилаётган маҳаллий партия, совет ташкилотлари янги ўқув йилига яхши тайёргарлик кўрдилар. Хўжайли шаҳрида, Хўжайли ва Мўйноқ районларида мактаб ремонтлари сифатли тугалланди. Жуда кўп мактабларнинг ремонти комиссиялар томонидан яхши баҳоланди.

Тўрткўл район колхозлари мактаб қурилишига алоҳида аҳамият бермоқдалар. «Қирқизобод» колхозида, Фрунзе, Димитров, Ильич номли колхоз ва бошқа хўжаликларда мактаблар жадал суръатлар билан қурилянти. Тўрткўл район партия комитети ва район ижроия комитети барча имконият ва резервларни ишга солиб, кенг жамоатчиликни мактабларни янги ўқув йилига шай қилишга сафарбар қилиб юбордилар.

Шу мактабларни қураётган 12-қурилиш трести (бошлиғи Ўртоқ В. Мухортов), 166-қурилиш трести (Ҳ. Абдамбетов), «Ресколхозстрой» бошқармаси (А. Исмоилов), «Ремстройуправление» (Б. Вассерман), совхозлар трести (П. Винников) умумхалқ иши — мактаблар қурилишига эътиборсизлик билан қараб келмоқдалар.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Госплани томонидан мактаб қурилишига 2 миллион дона ғишт етказиб бериш планлаштирилган эди. Ҳозиргача шундан жуда оз қисмигина олинди. Янги мактаблар қурилишига 2 миллион 100 минг сўм маблағ ажратилгани ҳолда, шундан 600 минг сўмга яқинигина ўзлаштирилди, холос. Шунинг учун ҳам қурилиш ишларида силжиш бўлмаяпти.

Қорақалпоғистон область партия комитети ва Автоном республика Министрлар Совети мактаблар ремонти ва қурилишини қолган қисқа вақт ичида тезлаштириш учун барча чора тадбирларни кўришлари керак.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чимбой районидаги «Ленинизм», Карл Маркс, Тельман номли, Тахтакўпир районидаги «Коммунизм», Ленин номли, Ломоносов номли мактабларда бу йил ўқиш бошланиши амри маҳол, деса бўлади. Район раҳбарлари мактаб қурилишлари билан астойдил шуғулланмаяптилар. Тахтакўпир районидаги Ленин номли совхозда 480 ўринли «Партия XXII съезди» ўрта мактаби қурилиши бундан 3 йил олдин бошланган эди. Қурилиш бошланди-ю, кейин бу тунлай қўл урилмади. Бундай аҳвол Қўнғирот районидаги совхозларда ҳам учрайди.

Шу мактабларни қураётган 12-қурилиш трести (бошлиғи Ўртоқ В. Мухортов), 166-қурилиш трести (Ҳ. Абдамбетов), «Ресколхозстрой» бошқармаси (А. Исмоилов), «Ремстройуправление» (Б. Вассерман), совхозлар трести (П. Винников) умумхалқ иши — мактаблар қурилишига эътиборсизлик билан қараб келмоқдалар.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Госплани томонидан мактаб қурилишига 2 миллион дона ғишт етказиб бериш планлаштирилган эди. Ҳозиргача шундан жуда оз қисмигина олинди. Янги мактаблар қурилишига 2 миллион 100 минг сўм маблағ ажратилгани ҳолда, шундан 600 минг сўмга яқинигина ўзлаштирилди, холос. Шунинг учун ҳам қурилиш ишларида силжиш бўлмаяпти.

Қорақалпоғистон область партия комитети ва Автоном республика Министрлар Совети мактаблар ремонти ва қурилишини қолган қисқа вақт ичида тезлаштириш учун барча чора тадбирларни кўришлари керак.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Футбол

ЯНА БИР ҒАЛАБА

«Пахтакор» иккинчи асосий лаврани сафарда, олий лигага даъвогар оғир команда қаторида бошлади. Эндиги кураш — қандай бўлмасин олий лигада қолиш, бунинг учун биринчи ёки иккинчи ўринларни олдиндан эгаллашдан иборат. Нилтни амалга ошириш учун очколар билан мустаҳкам «истеҳком» қуриш лозимлигини яхши англаган пахтакорчилар ҳужумнор усулда ўйнай бошладилар. Мана, узоқ танаффуслар кейин «Пахтакор» стадиони узра муҳлисларнинг олқиш ва ҳайқириқлари янгради. Оқ кўйлаклиларнинг қўплигидан стадион минбарлари чаман бўлиб очилган пахта пайкалларини эслатди. Ҳуштак. Майдонга тўшалган улкан «яшил гилам» бўйлаб тўп тепилди. Ўйин бошланди. Пахтакорчилар рақиблари — уралмашчилар билан мавсум бошида, ўртоқлик учрашувида куч синашиб, 4:0 ҳисобида ғалаба қозонган эдилар. Шу боисдан ҳам улар бир-бирларини яхши билишади, деса бўлади.

Ўйин майдон эгаларининг ҳужуми билан бошланди. Меҳмонлар ҳужумларни ўз вақтида бартараф қилиш билан ўнг ва чап қанотлардан фойдаланган ҳолда қарши ҳужум қилиб турдилар. Танаффусга яқин ўйинчиларимиз уюшқоқлик билан навбатдаги ҳужумга ўтдилар. Красницкий чаққонлик билан тўпни оширди. Тўпни Варюхин боши билан моҳирона дарвозага йўллайди. Ҳисоб очилди.

Танаффуслан кейин ҳам мезбонлар ташаббусни қўлдан бермай ҳужумга ўтадилар. Бироқ бу ҳаракатлар ниҳоясига етказилмай, бир неча марта қулай фурсатлар бой бериб қўйилди. Жумладан шу кунга қадар рақиблар дарвозасига киритилган тўплар сонини еттитага етказишга эришган Бектошевнинг бу галги ҳаракати, яъни дарвозабон билан яккама-якка қолгани ҳолда тўп киритта олмагани жуда ачинарли бўлди. Бироқ унинг хатосини ўйиннинг иккинчи ярмида майдонга тушган Ҳамид Раҳматуллаев тузатди. Ҳисоб 2:0.

Ўйин тугади, бироқ свердловсклик шоссвозлар билан бўлган «меҳмондорчилик» яна давом этади. Якшанба куни ўтказиладиган иккинчи учрашувда ҳам «Пахтакор», эҳтимол ғалаба қилади деб умид қиламиз.

Ўйинлар жадвалининг 22 августдаги кўрсатиши:

	У	Т	О
«Арарат»	23	25-27	24
«Пахтакор»	22	21-26	20
«Уралмаш»	23	12-21	19
«Кр. Советов»	23	22-28	16
«Қайрат»	22	17-26	16
«Локомотив»	23	15-28	14

Қолган икки учрашув: «Локомотив» — «Арарат» 0:1 ва «Қайрат» — «Крылья Советов» — 0:2 ҳисобида тугади.

Ҳ. НОСИРОВ.

МИРЗАЧЎЛ БАҲОДИРЛАРИ

Яна Мирзачўлнинг уфқларга тутташган бағридамиз. Қадимий бу қақроқ даштларда эндиликда тунда Ленин чироғи порласа, тонг отар палласида юлдузлар чарақлайди-ю, қуёш саҳий нур сочади. Чўлнинг бағрини ёриб ўтган асфальт йўллар оша бораётирмиз. Мана неча йиллар давомида воҳага етиб, кўкка бўй чўзган мирза тераклар соя ташлаб турибди. Ариқларни тўлдириб оқаётган сувларнинг майин шилдираши, универсалнинг узоклардан эшитилаётган янгроқ садолари ҳамроҳимиз бўлди.

Биз Мирзачўлнинг қоқ ярмида бораётирмиз. Икки атрофимиз кўм-кўк пахтазор. Ҳар ерда полизлар ва сабзавот майдонлари. Унинг қоқ ўртасида қад кўтарган чайла тепасидаги тўр қовоқларда сайроқи беданаларнинг товуши ҳам қулоқларга чалинади.

Ҳамроҳимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони «Партия XXIII съезди» 17-совхозининг директори, уста пахтакор Қинабек Укибоев бизга бу ерларнинг тарихини сўзларкан, бундан бир неча юз йил аввал бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилиб берди.

Темир замонасида бу ерларда карвонларнинг тўхтаб ўтиши учун бекатлар бўлиб ,унинг ёнида эса қудуқ қазилган экан. Бу қудуқни одамлар Мирза қудуқ деб аташар эканлар. Чунки, бу қудуқни Мирза деган киши қазидирган экан. Бизнинг совхоз худди шу Мирза қудуқ деган ерда жойлашган.

Йиллар, асрлар ўтди. Улуғ Ленин назар ташлаган Мирзачўлда қудуқлар ўрнида каналлар пайдо бўлди. Ниҳоят Мирзачўл инсон жасорати, Ленин назари билан Гулистонга айланмоқда.

Совхознинг 8-бўлимига етиб келганимизда барваста қоматли, хушчақчақ, чинакам фидойи пахтакор Саидваккос Қўрғонбоев бизни самимий кутиб олди. У бошқарувчилик қилаётган бу бўлим идораси олдида қизил байроқ хилпираб турибди.

Йўл ёқасидаги сўрида бир нафас дам олиб, Саидваккос Қўрғонбоевдан бўлимнинг ишлари ҳақида қувончли сўзлар эшитдик. Бўлим пахтакорлари бу йил 600 гектар майдонга чигит экиб, унинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишибди. Бўлимда ишчи кучи кам, ҳамма иш техника зиммасига юклатилган.

— Қани, Расулполвоннинг ғўзаларини ҳам бир кўрайликчи, — деди Қинабек ака ўртоқ Қўрғонбоевнинг гапини бўлиб. Шундан кейин биз Расулполвон бошчилик қилаётган 4-бригада аъзолари ҳузурига йўл олдик.

Эгатлар орасидамиз. Йўлнинг икки четидаги карталарда, 110 гектар ердаги ғўзалар ниҳоят яхши етилибди. Бўлиқ кўсакларни кўриб мамнун бўлади, киши. Қинабек ака Расулполвоннинг қўлларини маҳкам сиқиб, — баракалла азамат, берган ваъдангинг ошиғи билан бажарилишига ишонамиз,— деб миннатдорчилик билдирди.

Бир неча ғўза тупларидаги кўсакларни санадик. Ҳар бир тупда ҳозирнинг ўзидаёқ 7-8 тадан бўлиқ кўсак пайдо бўлибди.

— Мусобакадошингиз Саъобарҳон Аскарованинг ҳам ғўзалари чанки эмас. Сиз ишни бўшаштирманг, — деди директор.

Расулполвон Юнусов қаддини ростлаб:

ЛАВҲА

— Наҳотки шунча ишласак-у, мусобақада ғолиб чиқмасак. Мукофотларни ҳозирдан тайёрлайберинг, сўзимиз сўз, ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил берамиз, — деди.

Бригаданинг Ҳамдам ота Эрматов, Турди Жўраев, Аҳмадали Кимсанов, Муҳиддин Ўрунов каби сувчилари, Қодирали Рустамов, Тожиддин Ортиқов ва Юсуф Юнусов каби тракторчилари эрта кўкламдан жонбозлик кўрсатиб ишлаяптилар. Бу азаматларнинг ҳар бири бригаданинг фахри.

Биз Ҳамдам ота Эрматов билан ҳам суҳбатлашдик. У:

— Биз ажойиб ирригатор Акоп Абрамович Саркисовдан миннатдормиз. Чунки, у Мирзачўл ерларини суғоришда латок усулининг қўлланишига сабаб бўлган кишилардан биридир. Бу йил ҳосилимиз ёмон бўлмади. Бу, суғоришни яхши ташкил қилишимиз натижасидир. Ҳақиқатан ҳам латок ариқнинг сувн исроф бўлмас экан. Асосан сув ғўзани суғоришга сарф бўлади. Сувчилар ҳам қийналмайдилар. Сувни истаган вақтда, хоҳлаган эгатга буриш мумкин, — деди.

— Ҳамдам ота совхознинг кўзга кўринган уста сувчисидир. У сувчиликнинг сирини яхши биладн, — дейди бригадир Расулполвон Юнусов ундан миннатдор бўлиб.

Биз Расулполвон Юнусов бригадасидан мамнун бўлиб, бошқа бўлим далаларига йўл олар экан, миз, совхоз директори Қинабек Укибоев совхознинг бу йилги ишлари ҳақида бундай деди:

— Хўжалигимиз бу йил 6350 гектар ерга чигит эккан. Бу майдоннинг ҳар бир гектаридан камида 20 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 12 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш ҳақида мажбурият қабул қилганмиз. Ҳозир ғўзаларни агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб, ҳосилга ҳосил кўшяпмиз. Ҳар туп ғўзадан 6-7 тадан кўсак сенаш мумкин. Совхозимизда ажойиб пахтакорлар бор. Улар пахта тилини яхши биладилар. Уларнинг ҳар бирини чўлда туғилган баҳодирлар десак адашмаган бўламиз. Қодирали Боқиев, Қиммати Бийтўраев, Тошқўзи Ортиқов, Худойқул Ҳолбеков ўртоқлар шулар жумласидандир. Ҳозир совхозимиз пахтакорлари барча майдонларда иккинчи чеканкани ҳам тамомладилар. Бирорта майдонда бегона ўтни кўрмайсиз. Биз бу йил етиштирилган барча ҳосилни асосан машина кучи билан териб олишга мўлжаллаяпмиз. Бу борада анча тажриба орттирганмиз. Машиналарни теримга тайёрлашда Николай Пудовкин, Аблай Халилов, сувларни норма билан таратишда ирригатор Кўчқорбой Давронбоев астойдил ишламоқдалар. Совхозда боғдорчиликка ҳам катта эътибор бериб бориляпти.

— Дастурхонларимиз нозу-неъматга тўлмаса, пахтакорнинг кўнглини олиб бўлмайди, — дейди сабзавотчилик бўлимининг бошқарувчиси Юсуф ака Ражабов совхозимиз боғида анжирдан тортиб, меванинг ҳамма турлари бор. Бу боғларни воҳага етказишда совхознинг Муҳаммад Носиров, Қудрат Латипов, Набижон Алимов каби боғбонларининг айниқса хизмати катта бўлди.

Ҳа, эндиликда Мирзачўл чўл эмас, Гулистон бўлди. Гулистонда элимизнинг баҳодир пахтакорлари жасорат билан, чўлқуварлик ғурури билан тинмай меҳнат қилмоқдалар. Улар меҳнатига ҳар қанча тасанно айтсак арзийди.

Ю. ҲАМДАМОВ.
Сирдарё область, Мирзачўл район.

Суратларда: бригадир Расулполвон Юнусов ва сувчи Ҳамдам Эрматов ўртоқларни латок олдида кўриб турибсиз.

Р. Альбеков фотолари.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Дунёнинг мамлакатларда

АҚШНИНГ ЖАНУБИЙ СОҲИЛИДА ДОВУЛ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Қўшма штатларнинг жанубий соҳилидаги Янги Орлеан ва Галфпорт шаҳарлари районига бостириб келган «Камилла» довули ҳаммаёқни ҳали ҳам ағдар-тўнтар қилиб турибди.

Довул вайрон қилганлиги натижасида етказилган зарар ҳозиргинг ўзидаёқ бир неча миллион доллар ҳисобланади. Президент Никсон Миссисипи штатининг соҳил бўйидаги районларини офатли район деб эълон қилди ва фалокатдан зарар кўрганларга ёрдам бериш учун бир миллион доллар ажратишни буюрди. Бундан ташқари Америка Қизил крести ҳам 6 миллион доллар беради.

Янги Орлеан, Галфпорт ва Билокси шаҳарлари (Миссисипи штати) энг кўп шикастланди. Америка синоптиклари «Камилла» довулига АҚШ территориясида рўй берган довулларнинг энг каттаси деб баҳо бермоқдалар. Довулнинг марказида шамолнинг энг кўп тезлиги соатига 190 ва баъзан ҳатто 200 милга етди.

Қаттиқ жала ёғиб ва зўр шамол бўлиб, Янги Орлеан шаҳри олдидаги кўрфаз сувининг сатҳи қарйиб 7 метр кўтарилди. Уйларни, йўлларни сув босди, кўприкларни сув оқизиб кетди. Сув, шамол телефон ва электр ликнияларини, кема тўхталадиган жойларни вайрон қилди, кўлгина кемаларни қирғоққа чиқариб ташлади.

Қизил крестнинг маълумотларига қараганда, 2 мингта бино батамом вайрон бўлган ва яна шунча бино шикастланган. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, 200 мингдан кўпроқ киши бошпанасиз қолган.

ЧЕХИЯ ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПРАГА, 21 август. (ТАСС). ЧТК агентлиги Чехия социалистик республикаси ички ишлар министрлигининг ахборотини тарқатди. Унда айтилади: 20 август куни Праганинг Вацлав майдони билан унга ёндош кўчаларда кишилар оломони тўпланди. Улар орасида жамоатга кўшилмаган, безорн, душман унсурлар кўп эди. Улар турли игвогарликлар ва тўғридан-тўғри жиноий ҳаракатлар, қонунга хилоф ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузадилар ва ҳатто жамоат хавфсизлиги органларининг ходимларига қарши ўт очувчи қурол ишлатдилар. Бунда 2 граждан ўлдирилди ва бир неча киши ярадор қилинди.

Чехословакия халқ армияси бўлинмаларининг ёрдамида давлат органларининг қаттиқ ҳаракат қилишларидан сўнг осойишталик ва жамоат тартиби ўрнатилди. Жамоат хавфсизлиги органлари 320 кишини қўлга олдилар. Улар орасида бир қанча жиноятчи ва жамоатдан ажраган, илгари жавобгарликка тортилган шахслар бор.

Чехия социалистик республикаси ички ишлар министрлигининг ахборотида айтилдики, жамоат хавфсизлиги ва прокуратура органлари тергов олиб бормоқдалар.

МАОЧИЛАРНИНГ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА «ЮМАНИТЕ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 20 август. (ТАСС). Маочиларнинг Совет Иттифоқидан территория даъво қилишлари бемаънилик, деб ёзади «Юманите» газетаси. «Агар ҳар ким ўз ҳоҳлаганича ўтмиш асрларни важ қилиб кўрсаставерса, деб ёзади газета, ҳозир Хитойнинг чегаралари улуғ Хитой деворн бўйлаб ўтиши лозим деб, ҳисобласак бўлмайдими?» Маочиларнинг «генг ҳуқуқсиз шартномалар» деган ҳозирги даъвосига келганда, «Юманите» Хитой раҳбарларининг ўзлари, Мао Цзэ-дун илгари шу шартномалар тўғрисидаги масалани бартараф қилинган масала деб, ҳисоблаганликларини эслатиб ўтади.

«Ҳозирги кунда маочилар,— деб ёзади газета,— Хитой императорлари босиб олган ерларни эслатиб, бу билан ўзларининг даъволарини оқлашга интилмоқдалар. Бинобарин, улар императорларнинг ўша босқинчиликларини одилона иш бўлди деб ҳисоблайдилар. Тарих бу тарзда талқин қилинаётганлиги Хитойдаги «маданий» революциянинг ҳақиқий характерини очиқ кўрсатади».

Хитой маъмурлари деб ёзади «Юманите» газетаси, СССР чегараларини қасддан бузмоқдалар. Хитойнинг ўзида ҳарбийлаштириш ниҳоят даражада авж олиб кетди. Ҳозирги вақтда маоизмнинг таркибий қисми деб, очиқдан-очиқ эълон қилинган ашаддий шовинизм ва антисовет вас-васа маоизмнинг пролетар интернационализми билан алоқани бутунлай узганлигидан далолат беради.

«Хитой раҳбарлари, деб ёзади провардида «Юманите» газетаси, Америка империализмини ҳар қанча сўкиб, қораласалар ҳам, аммо ўзларининг ҳаракатлари билан унга жуда катта хизмат қилмоқдалар. Америка империализми бунақа ёрдамни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди».

БУГУН—РУМИНИЯ ОЗОДЛИГИ КУНИ

БУЮК ҒАЛАБА

1944 йилнинг 23 август куни тарих саҳифасига Руминия туғилган кун бўлиб ёзилди. Шу куни румин халқи фашистлар зулмини улоқтириб ташлаб, буюк ғалабани қўлга киритган эдилар.

Совет қўшинлари ғолибона юриш билан Ясси-Кишинев фронтини ёриб ўтгач, Руминия ҳукмрон доиралари саросимага тушиб қолишди. Руминия Коммунистик партияси бу қулай фурсатдан фойдаланиб колишга қарор қилди. Совет Армияси кириб келиши биланоқ бутун мамлакатда қўзғолон кўтарилди. Диктатор Иоан Антонескунинг фашистни тузуми ағдариб ташланди. Румин жангчилари энди қуроллариии ўзларининг ҳақиқий душмани бўлган герман фашизмига қаратиб, совет аскарлари билан бир сафда жанг қила бошладилар. Руминия Коммунистик партияси уюштирган ва раҳбарлик қилган қуролли қўзғолон кенг халқ оммасининг актив иштироки билан амалга ошди. Халқ Гитлерга қарши коалиция томонга ўтиб, ички ва ташқи реакцияга қарши кураша бошлади. Урушдан сўнг мамлакат олдида уғуш оқибатларини тугатиш, экономиканн тиклаш, халқнинг турмуш ва маданий даражасини ошириш вазифаси турарди. Фашистлар зулмидан озод бўлгач, орадан чорак аср ўтгандан сўнг румин халқи бу вазифаларни тўла уддалай олди. Руминиянинг ижтимоий тузумида, унинг иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди.

Қисқагина вақт ичида Руминия қолоқ аграр мамлакатдан қудратли саноат мамлакатига, қишлоқ хўжалиги ривожланган, юқсак маданиятли мамлакатга айланди. Шу давр ичида Руминия саноати айниқса юқори кўрсаткичларга эришди. Ҳозир мамлакатда бир сутканинг ўзида бутун 1938 йил давомида ишлангончалик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда.

Руминия халқ хўжалигидаги улкан ўзгаришлар унинг ташқи савдосига ҳам катта таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда румин экспортининг бешдан тўрт қисмини саноат моллари ташкил этади. У юздан знёд мамлакат билан савдо-сотиқ ишлари олиб бормоқда. Савдо-сотиқда Руминиянинг асосий шериклари социалистик мамлакатлардир.

Социалистик мамлакатлардан темир рудаси, кокланувчи кўмир, пахтэ ва аппатит сингари хом ашёларнинг сотиб олиниши румин экономикасида муҳим роль ўйнайди. Бундай хом ашёлар билан бир қаторда Руминия бозорига ип ва шойи газламалар, соат, холодильник, енгил автомашина ва бошқалар кўплаб ўтказилади.

Улуғ Октябрь революциясидан кейинок Руминия билан СССР ўртасида яхши муносабатлар пайдо бўлган эди. Фашизмга қарши уруш даврида бу дўстлик янада ривожланди. Эндиликда эса Совет Иттифоқи билан Руминия ўртасидаги дўстлик иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликда ўз ифодасини топмоқда. 1948 йилда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида имзоланган битим икки қардош мамлакат ҳамдўстлигининг ёрқин намунасига айланди.

СССРнинг тенг ҳуқуқли оиласида бошқа қардош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам Руминия билан дўстона алоқалар олиб бормоқда. Бу алоқалар жуда хилма-хил кўринишларда ўз аксини топмоқда. 1967 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Бухарестда ташкил этилган саноат кўргазмасида Ўзбекистон ССРга алоҳида бўлим ажратилганлиги бунга ёрқин мисолдир.

Маълумки, урушнинг оғир кунларида Ўзбекистон фақат қардош республикаларнинг болаларинигина эмас, бошқа мамлакатлар болаларини ҳам ўз бағрига олганди. Уруш йилларида Самарқанд областининг В. И. Ленин номли колхозида яшаган румин ёзувчиси Харламб Зинкэ уни тарбиялаган Жўраевларни эўр ҳурмат-эътибор билан эсга олади.

Руминияда ўзбек мадзнниятига қизиқиш жуда катта. Румин жамоатчилиги Навоий ғазаллари ва достонларини, А. Қаҳҳор, А. Мухтор, Ш. Рашидов романларини, Зулфия, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом шеърларини севиб ўқишади. Бизда эса Михаил Садоляну ва бошқаларнинг роман ҳамда ҳикоялари ўзбек китобхонларнинг севимли асарларига айланиб қолган.

Руминия ва СССР халқлари ўртасидаги кўп қиррали алоқалар борган сари ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Барча совет кишилари қатори Ўзбек халқи ҳам қардош румин халқига бугунги тантанали кунда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

М. ИСМОИЛ.

ЖИНОЯТЧИЛИК КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Федерал тафтиш бюросининг директори Гувернинг ҳар йили қиладиган докладида АҚШда жиноятчиликнинг ўсиши аҳоли 11 баравар устун эканлиги маълум қилинади.

Ўтган йили АҚШда 4,5 миллион оғир жиноят қайд этилди. Фақат бир йилнинг ўзида салкам икки миллиард долларга борадиган турли хил мол-мулклар ўғирланган.

АҚШда долларга, зўравонларга тоғинаш, ахлоқий ва сиёсий ёвузликка сиғиниш ҳукм сураверар экан, маъмурларнинг мамлакатда «қонун ва тартиб» ўрнатишга чақирган ҳеч бир даъвати жиноятчилик иллатини даволашга ёрдам бера олмайди.

БУДАПЕШТ. Венгрия ўзининг марказий майдонларидан бири — Барош майдонини таъмир (реконструкция) қилмоқда. Шарқий вокзал рўпарасида, бўлғуси метрополитен станциялари ёнида ерости йўллари қурилмоқда ҳамда ер устидаги транспорт йўллари яхшиланмоқда.

МТИ—ТАСС фотоси.

АҚШ. Бир вақтлар Американинг эгалари бўлган ерлик халқининг бугунги авлоди фожиали ҳаёт кечиришмоқда. Суратда: Аризона штатининг шимоли-шарқий қисмидаги Навахо қабиласига мансуб оилалардан бири.

ТАСС фотохроникаси.

АЖОЙИБОТЛАР

✦ ҚОРАҚУМ БАЛИҒИ

Шимолий Қорақумда қум тепалар, теп-текис тақир ерлар, шўрхок жойлар ўртасида Сариқамиш кўли неча юзлаб километрга ястанган. Кўлнинг тубида ва қирғоқларида туз ғоят кўп. Қатқалоқ бўлиб қолган туз оёқ остида қирсиллайди.

Лекин Сариқамиш кўли ҳеч бир жонивори йўқ сув эмас. Унда жуда кўп хил балиқлар бор. Тошовуз балиқ овлаш хўжалигининг артели бу ерда бир неча йилдан бери меҳнат қилмоқда. Бу кўлда Тошовуз воҳасидаги умумий овқатланиш корхоналарига қар куни 20 центнер янги балиқ жўнатилиб турибди.

Яқинда Туркманистон ССР Министрлар Совети бу ерда балиқ овлашни анча кучайтириш юзасидан қарор қабул қилди.

И. РОГАЧЕВ.
Туркманистон ССР.

◆ БИР КВАДРАТ МИЛЛИМЕТРЧАЛИК САҲНДА

Асфальтланган бу саҳн бир квадрат миллиметрдан ош бўлса-да, Ленин Украина ССР халқ ижодиётининг хизмат кўрсатган устаси Михаил Григорьевич Маслюк ўзи тилладан ишлаган олтмиш буюмни унга жойлаштира олди. У Останкино телевизион минора, В. И. Ленин ёдгорлиги, СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси олдидаги космонавтлар обелиски макетларини ҳамда супачага қўйилган ва Совет Иттифоқи картасининг тасвири тушириган ер нуррасини шу майдончанинг четларига бир қатор қилиб ўрнатди.

Уста ўз ижодиётидаги олтита тўғри «кўчаларга» спорт асбоблари, овқат сервизлари, дастурхон асбоблари, шахмат донала-ри, идиш асбоблар, дурадгорлик асбоблари (арра, болта, токарлик станоги, ранда, искана, искажа)ни териб чиқди.

М. Г. Маслюк ўзининг нодир истеъдодини иштиёқ билан медицинага бағишламоқда. У бир неча йилдардан бери Винница Давлат медицина институти билан, Украина ССР Фанлар академиясининг зоология институти билан алоқа боғлаб, ўзи тайёрлаган ғоят майда асбобларини бу ерларда муваффақият билан ишлатмоқда. Москвадаги қулоқ, томоқ, бурун институти илмий ходимларининг илтимосига биноан у яқинда отосклероз бўлган кишининг қулоғини муранкаб операция қилишда ишлатиладиган ўттиздан ортиқ микроасбоб ускуна тайёрлаб берди.

Халқ устасининг медицина микроасбоб-ускуналари Куйбишев давлат медицина институтида қўлланилмоқда. Нерв тўқималарини тадқиқ қилиш ишларида бу асбоблардан фойдаланиляпти.

М. ЧЕРНИЙ.
Винница области.

✦ ОҚ ЧУМЧУҚ

Яқинда Брянск областининг Трубчевск шаҳрида оқ чумчуқ пайдо бўлди. Даставвал бу шаҳар аҳолисининг айтганларига иниш ишонқирамасди: чунки чумчуқ бўрга ёки унга беланиб олган бўлиши мумкин. Лекин ўз кўзимиз билан курганимизда чумчуқнинг ҳамма ёғи оппоқ бўлиб, қанотларидагина ўз наслига хос сарғиш туслар кўринарди.

Оқ чумчуқ ўз зоти ичида ўзини бегона қис қилмайди. У қолган чумчуқлар билан бемалол «гурунглашиб» юрибди.

Орнитологлар — қушшунослар парранда-лар дунёсидаги бу альбинизм ҳодисасини биладилар. Туғма бўёвчи модда — пигментлар етишмаслигидан табиий тус шу тахлитда йўқотилади. Бу ғоят кам учрайдиган ҳодисадир. Шунинг учун ҳам оқ бургут, қизилиштон, чугурчуқ каби баъзи қушларнинг туркумлари жаҳон биология музейларини безаб турадн.

Д. СМИРНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

25 АВГУСТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 — Кўрсатишлар программаси, 18,35 — «Комсомолдан ўрнак ол», 19,55 — **«Боболаримиз санъати»**, 20,35 — Телевизион янгиликлар, 20,50 — Кинолекционома, 21,15 — Халқ контроли экранда, 21,45 — В. И. Ленин юбилейига. П. Турсун «Ўқитувчи» телетеатрининг учинчи қисми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12,55 — Москва кўрсатишлари, 18.00 — Тошкент кўрсатади. Болалар учун. «Улар ҳазили» кинофильм. 18,15 — «Банкир» телеспектакл», 20,00 дан — Москва кўрсатишлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 — Душанба кўрсатишлари.

26 АВГУСТ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 — Кўрсатишлар программаси, 20,50 — Телевизион янгиликлар, 21,05 — «Саҳат-саломатлик» программаси, 21,40 — **Гёте ва Шарқ поэзияси**, 22,00 — «Ўзбек кино даргоҳида».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 — Фрунзе кўрсатишлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатишлари, 19,00 — Волейбол бўйича Ўзбекистон — Бирма командалари ўртасидаги учрашув, 20,30 — Камер куйлар, 21,00 — Ю. Ҳамдам шеърлари.

27 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатишлар программаси, 18.35—Телевизион янгиликлар, 18,45 — «Америка империализми — жаҳон реакциясининг таянчи» суҳбат, 19.15 — **Қувноқ куй ва ҳангомалар.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 — Кўрсатишлар программаси. 18,35 — Болалар учун «Ирода», 20,05 — **«Ёшлик»** кўрсатади, «Олов қалбли кишилар», 20,35 — Шаҳримиз озода ва кўркам бўлсин. 20.50 — Тўқимачилар саройи ҳаваскорларининг концерти, 22,20 — **«Сўнгги залп»** бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20,00 — Биринчи кун» бадиий фильм, 21,35 — «Л. Толстой» телефильм.

28 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 — Кўрсатишлар программаси. 18.35 — «Пионер ёзи хотиралари», 21 05 — Телевизион янгиликлар, 21.20 — Кишлоқ жамоли, 21,40 — «Гулдаста», концерт, 22,20 — М. Шайхзода. Ёзувчи ижодий портрети.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 — Телевизион янгиликлар, 18,10 — Қувасой цементчилари, 18,30 — Ён қўшним — жон қўшним. 18,50 — Кино эшиттириш.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — Тошкент кўрсатишлари,

29 АВГУСТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 — Кўрсатишлар программаси, 20,40 — Телевизион янгиликлар, 20,55 — Ота-оналар университети, 21,30 — Пахта теримига шаймисиз? 21.50 — «Фан тележурнали, 22,20 — **«Маҳсус поезд»**, бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 — «Ўргатувчилар», кинофильм, 18,40 — **«Тянь-Шань қизи»**, бадиий фильм, 19,55 — Кўрсатишлар программаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

21,25 — **«Сўнгги табор»** бадиий фильм.

30 АВГУСТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9,55 — Кўрсатишлар программаси, 10,00 — Цирк томошалари, 10,40 — «Хайр, боғчажон», 11.10 — «Инсон ва космос» ҳужжатли фильм», 17,10 — Комсомолдан ўрнак олинг, 18,05 — **«Ёшлик»** кўрсатади. **«Истиқбол эгалари»** 19.00 — Москва кўрсатишлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — Спорт ҳафта ичида, 19,20 — «Гавнеядаги учрашувлар», ҳужжатли фильм, 20,20 — Шаҳарликлар, қишлар учун, 20,35 —**Халқ хофизлари ижросида концерт**, 21,15 — «Кимё — халқ хўжалигига», 21,35 — **«Зирапча»** бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17,00 — Фрунзе студияси кўрсатишлари.

31 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9,55 — Кўрсатишлар программаси, 10.00 — Ҳаҳмабоп гимнастика, 12.10 — «Қизил галстук», тележурнал, 12.50 — **«Жўра»** бадиий фильм, 17.00 — Новеллалар қутубхонаси. 17,35 — Устоз ва мураббий, 18,45 — **«Ёшлик»** кўрсатади, **«Студентлик олтин даврим»**, 20,05 — Шахтёрлар кунига бағишланган эшиттириш, 20,35 — Шахтёрлар учун концерт, 21,05 — «Ахборот» программаси. 21,35 — **«Раҳмоса хиром этганда»**, 22,30 — Москва кўрсатишлари. Футбол. ЦСКА — Спартак (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12,00 — Москва кўрсатишлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Фрунзе студияси кўрсатишлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 — Эстрада концерти. 9.30 — Фортепьяно квартети, 10.30 — Кўшиқ ва рақслар, 11.15 — «Гулшан» радиожурнали. 12.15 — Концерт (талабларга мувофиқ). 13.30 — Лирик концерт, 15.10 — «Правда» газетасининг обзори, 15,40 — Концерт. 16.10 — «Алангали йиллар саҳифалари» (музыкалр эшиттири.и), 17.20 — Уйғур куйлари. 17.50 — «Идеология ва ҳаёт». 18.00 — Концерт, 18.40 — Спорт, 19.20 — «Ўзбекистон хотин-қизлари» (кантата). 20.00 — «Ленинома» программаси, 20,30 — Концерт. 21.00 — «Руминия халқининг миллий байрами» (суҳбат), 21.10 — Концерт (пахтакорлар учун), 22.20 — Қўшиқлар. 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси,

Ўзбек тилида: 10.00 — **Биз билан рақсга тушинг**, 10.35 — **Алёнка** (бадиий фильм).

12.00 дан — **Москва кўрсатади.**

Тошкент кўрсатади

16.55 — **Кўрсатишлар программаси**, 17,00 — **Телеянгиликлар** (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 — **Илёс Муслим ижодига бағишланган эшиттириш** (болалар учун), 17.50 — **Кинофильм**, 18.00 — **Эстрада шинавандалари учун** 18.40 — **Телеянгиликлар**, 18.55 — **«Романтика» телевизион театри** («Ёшлик» кўрсатади), 19,55 —**Кўрсатишлар программаси**,

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.15 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — **«Заманда»** программаси (қозоқ тилида).

Ўзбек тилида: 20 40 — **Спорт ҳафта ичида**, 21,00 — **Халқ куйлари**, 21.40 — **Беш йиллик илғорлари**, 21.55 — **Тоғ қасосчилари** (бадиий фильмнинг иккинчи серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Душанба кўрсатади.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/VIII да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/VIII да **Гавҳари шамчироғ**, 24/VIII да **Қайнона.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Аничка — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да), «МОСКВА» (эрталаб 10 ва кеч 9 да).

Қизларни ўғирлаш — «ЧАПКА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11-40 минут, кундуз 5 ва кеч 7 да).

Орзулар палласи — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6, 8 ва 10 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз 5, кеч 6-45, 8-30 минут ва 10 да).

Қизил қумлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сокин кварталдаги қотиллик — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги (ўзбек тилида) — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Ҳужумкор бўл — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 11-45, кундуз 1-30, 3-15 минутда).

Сангам — «МОСКВА» (кундуз соат 1 яримда).

Халқаро мавзуда

«ЖИГАРРАНГ ЎЛАТ»

Кизингер ҳукумати 1970 йил январидан бошлаб, нацист ҳарбий жиноятчилар устидан олиб борилаётган таъқибни «муддати эскирган»лиги билан тўхатиш ниятида. У бунга дастак сифатида салкам юз йил олдин қабул қилинган қонунларни теш қилмоқда. Бонннинг бу ҳаракати халқаро ҳуқуқ нормаларига, қолаверса, инсон ҳуқуқи ва инсонийлик принципига бутунлай зиддир. Потсдам шартномаси БМТнинг 1946 ва 1947 йилларда қабул қилинган қарорларида, шунингдек, Бош Ассамблеянинг 1968 йил ноябрдаги Конвенциясида инсониятга қарши қаратилган ҳар қандай ҳарбий жиноят қачон ва орадан қанча вақт ўтган бўлишидан қатъи назар жазоланиши шарт, деб таъкидланган.

Нюрнбергдаги Халқаро трибунал ҳукмида шундай сўзлар қайд қилинган эди: «Шу нарса ҳақиқат бўлиб қолдики, бундай кенг миқёсдаги ҳарбий жиноятни урушлар тарихи ҳеч қачон билмаган». Дарҳақиқат, фашист — бу одамхўр!! Фашист — бу инсоният душмани! «Фашистлар қонга чанқоқ йиртқич,— деб ёзган эди М. Горький Эрнст Тельманга, — аммо, уларга қараганда анчаёйин кўрқоқлардир». Ана шу кўр кўрдан, ваҳимадан фашистлар дунёга ўт қўйиб, миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритишга ҳаракат қилдилар. Шунга кўра ҳам, нацист — жиноятчиларга эркинлик бериш, консирдан йиртқич—ҳайвонни занжирдан бўшатиш билан баробардир.

Аммо, Ғарбий Германияда нацист жиноятчилар ўз ҳомийларига суянган ҳолда, ялло қилиб юрибдилар. 1945 йил 8 майдан ҳозирга қадар 80 минг нацист-жиноятчидан 6.192 таси жазоланган, холос. Уларнинг учдан бири суд томонидан оқланган. Кейинги вақтларда, йилига фақат 30 киши судга берилиб, уларнинг кўплари енгил жазо билан қутулиб кетган.

Боннинг давлат аппаратидаги масъул лавозимларда ва бошқа жойларда 2.300 та нацист пинак бузмай ишламоқда. Фақат Адлия министрлигида амалдорларнинг 750 дан ортиғини, Ички ишлар министрлигидаги катта амалдорларнинг ярмини собиқ гитлерчилар ташкил қилади. Полициянинг раҳбар органларида 250 та собиқ гестапочи ишлаб турибди. ҒФР дипломатик хизматидаги ходимларнинг 85 проценти Риббентроп қўлида ишлаган шахслардир...

Ҳозирги кунда Ғарбий Германия реваншизми Америка империализмига суянган ҳолда янги уруш ўчоғини очиш учун ҳарбий тайёргарлигини кучайтирмоқда. Халқаро вазиятни тобора нескиилаштирмоқда, бош кўтараётган неофашизмни рағбатлантирмоқда. Ана шундай вазиятда, Бонн расмий доираларининг нацистлар жиноятини хас-пўшлашга уринаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Ахир, нацистларни жазолаш — бу неофашизмга қарши курашиш бўлур эди-да! Ҳеч қачон Кизингер — Штраус — Брандт ҳукумати неофашистларга тил теккиза олмайди! Чунки неофашизмга қарши ҳар қандай ҳаракат, ўзининг реваншистик ташқи сиёсатидан воз кечмоқ, йирик монополистик капитал ҳукмронлигига, «фавқулодда қонун»ларга ва давлат органларида енг шимариб ишлаётган нацистларга қарши курашмоқ демакдир.

Ф. ИСМОИЛОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

визнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337694. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий «хабори ва спорт — 332347 Оммавий ишлар ва хатлар —338679, 333553 Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252 330253 330254 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термез 23—27, Фарғона 41—88, Ўрганч 34—55.

№ Б. — 196. Ўзбекистон Компартиясы Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633 Р. 01671.